



# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI

## YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING

### QARORI

O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,  
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255

2021 йил " 21 " сентябрь

№ 86

Yangibozor tumani

**Боғолон қишлоғидаги “Асадбек Бехрузбек Аслбек” фермер хўжалигига қўшимча ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида**

Боғолон қишлоғида фаолият кўрсатиб келаётган “Асадбек Бехрузбек Аслбек” фермер хўжалиги раҳбари Ражабов Элдорнинг қўшимча ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг ҳулосасига ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-,53-моддаларига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 11-моддасига ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-,25-моддасига асосан,

#### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғолон қишлоғида фаолият кўрсатиб келаётган “Асадбек Бехрузбек Аслбек” фермер хўжалиги раҳбари Ражабов Элдорнинг қўшимча ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси талаби қаноатлантирилсин.
2. Боғолон қишлоғидаги “Асадбек Бехрузбек Аслбек” фермер хўжалигига Боғолон қишлоғининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги 774к-контурларда жойлашган умумий ер майдони 2,5 гектар, шундан суғориладиган экин ери 2,5 гектардан иборат ер участкаси қўшимча ажратиб берилсин.
3. “Асадбек Бехрузбек Аслбек” фермер хўжалигига ажратилаётган 2,5 гектар экин ери майдонида янгидан интенсив боғзор ташкил қилиш топширилсин.
4. “Асадбек Бехрузбек Аслбек” фермер хўжалиги ҳисобида 774к-,777к-, 778к-, 787к-, 560к-контурларда жойлашган умумий ер майдони 16,6 гектар, шундан суғориладиган экин ери 9,5 гектар, бўз ерлар 4,0 гектар, ариқ ва зовурлар

0,1 гектардан иборат ер майдони эkanлиги қайд қилинсин ва Боғдорчилик йўналишида фаолиятини давом қилдиришга рухсат қилинсин ҳамда ижара муддати (39 йил) қилиб белгилансин.

5. “Асадбек Бехрузбек Аслбек” фермер хўжалигига ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари Ражабов Элдор ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

6. Туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари (Ж.Халметов)га “Асадбек Бехрузбек Аслбек” фермер хўжалиги ва кўчат етиштирувчи фермер хўжаликлари ва ташкилотлари билан кўчатлар етказиб бериш бўйича шартномалар туздириш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чикувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

8. Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



У.Курбанов